

**Жўраев И.И**

*Тошкент молия институти*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакат банк тизимининг барқарорлик тушунчаси, унинг банклар фаолиятида тутган роли, банкларнинг молиявий барқарорлигининг жорий ҳолати, банкларнинг барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар динамикаси ва уларнинг замонавий ҳолати ўрганилган. Шунингдек, мақолада мамлакатимиз банк тизими барқарорлигини таъминлашдаги муаммоли ҳолатлар ва уларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** банк тизими, молиявий барқарорлик, банк капитали, ликвидлилик, тўлов қобилияти, риск, активлар сифати, депозит базаси, рентабеллик, муаммоли активлар.

**Jurayev I.I**

*Tashkent Institute of Finance*

## **URGENT ISSUES TO INCREASE THE SUSTAINABILITY OF THE BANKING SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**Abstract:** This article examines the concept of stability of the country's banking system, its role in the activities of banks, the current conditions of financial stability of banks, the dynamics of indicators characterizing the stability of banks and their current state. The article also presents the problems and challenges in ensuring the stability of the banking system of the country and the conclusions and recommendations developed to solve them.

**Keywords:** banking system, financial stability, bank capital, liquidity, solvency, risk, asset quality, deposit base, profitability, problem assets.

### **Кириш**

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий шароитида тижорат банклари барқарорлиги муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан тижорат банклари фаолиятнинг ривожланганлигига боғлиқ.

“Барқарорлик” тушунчаси одатда мураккаб динамик тизимларни ўрганиш, уларни ишлаши билан боғлиқ бўлган фан ва техниканинг турли хил соҳаларида қўлланилади. Жамият тараққиётини ривожланиши билан барқарорлик тушунчаси сиёсий, ижтимоий, экологик, иқтисодий ва илмий-техник(инновацион) соҳаларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Замонавий иқтисодий тараққиётнинг локомотиви ҳисобланган тижорат банклари барқарорлиги ҳозирги банклараро рақобат кучайиб бораётган шароитда муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан сўнгги йилларда банк-молия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Хусусан,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” ва 2017 йилнинг 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли қарори, 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли қарорини банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлашда муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони мамлакатимиз банк тизими молиявий барқарорлигини ошириш, банкларни комплекс трансформация қилиш, банкларни бозор тамойиллари асосида ишлашини таъминлаш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

### **Адабиётлар шарҳи**

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, замонавий иқтисодий адабиётларда ушбу атаманинг банк фаолияти билан боғлиқ ягона таърифи ҳозирги кунга қадар мавжуд эмас. Инсоният тарихида юз берган турли инқирозларнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, банкларнинг молиявий барқарорлиги ва унга таъсир қилувчи омилларнинг хилма-хиллиги мазкур масала юзасидан янада чуқурроқ изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз етакчи иқтисодчи олимларидан О.Б.Саттаровнинг фикрича «банк тизими барқарорлиги – бу Марказий банк ва тижорат банклари фаолияти давомида ўз функцияларини тўлақонли бажара олишини таъминлаш имконини берадиган даражани сақлаган ҳолатда, ривожланишга қараб интилишдир»[1].

Р.М.Каримованинг фикрига кўра, банкнинг капитали барқарор бўлса, ликвид балансга эга бўлса, капиталнинг етарлилиги ва тўловга қобиллик талаблари қониқарли бўлса бундай банклар барқарор ҳисобланади[2].

Ғарб иқтисодчиси Питер Стелла ўзининг тадқиқотларида молиявий барқарорлик - бу макро ва микроиқтисодий ўзгаришлардан қатъий назар, базавий давр учун муваффақиятли ички менежмент, барқарорлик, шунингдек, юқори рентабеллик ва даромад кўрсаткичидир[3] дея таъкидлайди.

А.П.Корнаухова ўз тадқиқотларида “Тижорат банкининг молиявий барқарорлиги-бу банкнинг ўз функцияларини тўлиқ бажариши, юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун етарли захираларни шакллантириш, назорат органларининг талабларини бажариш, риск даражасини пасайтириш учун зарур бўлган сифатли банк бошқарувига эга бўлиш” [4] эканлигини таъкидлайди.

Базель кўмитасининг меъёрий ҳужжатларига кўра, тижорат банки молиявий барқарор деб тан олинishi учун мамлакат Марказий банки томонидан Базель кўмитаси талабларига мослаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган талабларни тўлиқ бажариши лозим. Базель кўмитаси молиявий барқарорликни атама сифатида эмас, балки банкнинг барқарор ишлашини таъминлайдиган ижобий меъёрий кўрсаткичлар тўплами сифатида талқин қилади.

О.П.Овчинникова, А.Ю.Бецлар банкларнинг барқарорлигини қуйидагича таснифлашни таклиф қилишади[5]:

- молиявий барқарорлик;
- ташкилий барқарорлик;
- ходимлар барқарорлиги;
- операцион барқарорлик;
- банк бизнеси барқарорлиги.

Банк барқарорлигини бундай таснифланиши, банкларнинг давлат ва жамият, акционерлар ва кредиторлар, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар, банк менежерлари ва ходимлари билан бўладиган ўзаро муносабатларини келгусида стратегик жиҳатдан ривожланишида муҳим аҳамият касб этади

Хорижлик иқтисодчилар Т.Копан, К.Миноулар банкнинг молиявий барқарорлигини турли хилдаги салбий таъсирлардан кейин ўзининг асосий функциясини (жамғармаларни кредитга айлантириш) тезда тиклаш қобилияти дея таъкидлашади[6].

Умуман олганда, иқтисодчи олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини умумлаштирган ҳолда шундай хулоса қилиш мумкин. Банк барқарорлиги- ўз мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида қоплаш имкониятини сақлаган ҳолда, кўзланган даромадни олиш ва турли хил нобарқарорлик шароитида ўз функцияларини тўлиқ бажаришидир.

### **Тадқиқот методологияси**

Ушбу мақолани тайёрлашда хорижий олимлар томонидан илгари сурилган мавжуд назариялар ўрганилди ва мамлакатимизда банклар молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинди. Тадқиқотни амалга оширишда асосан қиёсий баҳолаш ва илмий абстракция усулларидан фойдаланилди.

Статистик манба сифатида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг йиллик ҳисоботлари ва Ахборот рейтинг агентлигининг йиллик ҳисоботларидан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Банкларнинг молиявий барқарорлиги кўп йиллардан буён иқтисодчи олимлар ва халқаро экспертларнинг илмий мунозараларида асосий мавзулардан бўлиб келмоқда. Жаҳонда юз берган бир қатор молиявий ва банк инқирозлари ҳамда уларнинг банк тизимига таъсиридан шаклланган хулосалар тижорат банкларининг барқарорлик даражасини баҳолаш, унга

таъсир қилувчи омилларни чуқур таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. АҚШда бошланган ва кейинчалик бутун дунёга ёйилган сўнгги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари банк секторидаги беқарорликни бир мамлакат даражасидан глобал миқёсда тарқалишига сабаб бўлди. Биргина 2008 йилда АҚШда бошланган молиявий инқироз натижасида дунё банкларининг кўрган зарари 300 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди[7].

Шунингдек, COVID -19 натижасида бутун дунёда рўй берган пандемия натижасида банкларнинг даромадлари кескин пасайиши прогноз қилинмоқда.

McKinsey (Global Banking Annual Review)нинг шарҳида пандемия банкларнинг катта миқдордаги кредитларини қайтмаслигига сабаб бўлмоқда, бу ҳолатнинг давом этиши дунё банк тизимининг 2020-2024 йиллар оралиғида 1,5 трлн. АҚШ доллардан 4,7 трлн. АҚШ долларгача даромадининг йўқотилишига олиб келади[8].

Банклар томонидан тақдим этилаётган кредитларнинг ўз вақтида қайтмаслиги авваламбор, банкнинг ликвидлилигига салбий таъсир кўрсатса, иккинчи томондан банкнинг йўқотишларни қоплаш бўйича захираларни ортишига ва яқунда банк харажатларининг кўпайишига олиб келади. Банк харажатларининг ортиши ўз навбатида, банкнинг даромадлилиги, рентабеллигига ва тўлов қобилиятига салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда ҳам 2019 йилнинг март ойидан бошлаб, COVID-19 пандемияси давом этмоқда. Пандемия шароитида мамлакатимизда карантин чораларининг жорий қилинганлиги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг реал даромадлари камайишига ҳамда тўлов қобилиятининг пасайишига сабаб бўлди. Натижада ҳукуватимиз томонидан кредит таътиллари берилди ва бу ўз навбатида банкларнинг даромадлилигига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Мамлакатимизда пандемия даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор имтиёзлар жорий этилди. Ушбу имтиёзларнинг айримлари тижорат банкларида муаммоли кредитлар ҳажмини ортишига сабаб бўлмоқда. Таҳлил маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, муаммоли кредитлар давлат улушига эга бўлган 13 та банкнинг 9 тасида ўсди (жами 9,1 фоизга — 12,2 трлн сўмгача). Хусусан, Ўзбекистон Миллий банкининг NPL кўрсаткичи 2,6 трлндан 3 трлн сўмгача (36 фоизга), «Ўзсаноатқурилишбанк» — 1,5 трлндан 1,7 трлн сўмга, «Агробанк» — 1,1 трлн сўмдан 1,3 трлн сўмгача, Халқ банки — 1,1 трлндан 1,2 трлн сўмгача (45,7%), «Ипотека Банк» — 1,2 трлндан «Микрокредитбанк» — 331 млрддан 705 млрд сўмгача (91,3%), «Алоқабанк» — 256 млрддан 291 млрд сўмгача, Асиа Аллиансе Банк — 163 млрддан 204 млрд сўмгача, «Ўзагроэкспортбанк» — 34 млрддан 52 млрд сўмгача ўсган[9].

Марказий банк статистикасига кўра, 1 июль ҳолатида Халқ банки портфелидаги муаммоли кредитлар (NPL) улуши 15 фоизни (21,3 трлн

сўмнинг 3,2 трлн сўми). Бу эса давлат банклари ўртасида «Ўзагроэксспортбанк»дан (62,6%) кейинги иккинчи кўрсаткич ҳисобланади. Июнь оyi бошида эса Халқ банкининг муаммоли кредитлари ҳажми 6 фоиз (20,9 трлн сўмдан 1,26 трлн сўми) даражасида эди[9].

Банкларда муаммоли кредитлар салмоғининг ортиб бориши банкларнинг ликвидлиликл кўрсаткичларига салбий таъсир қилиши, банкларнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажаришларида турли хил муаммоларни юзага келтириши мумкин.

Қуйидаги жадвалда мамлакатимиз тижорат банкларининг 2016-2020 йиллар давомидаги ликвидлилик меъёрларини таҳлил қилиб ўтамыз.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси банк тизими ликвидлилик динамикаси[9]**

Кўрсаткичлар номи	01.01.2017 й.	01.01.2018 й.	01.01.2019 й.	01.01.2020 й.	01.01.2021 й.
Юқори ликвидли активлар (млрд. сўм)	18 606,3	37 775	20 202	30 874	50 476
Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати, фоизда	22,1%	22,7%	9,4%	11,3%	14,2%
Ликвидлиликни қоплаш меъёри (мин. талаб 100%)	177,2%	225,2%	170,7%	208,5%	224,5%
Соф барқарор молиялаштириш меъёри (мин. талаб 100%)	102,6%	110,6%	107,9%	112,8%	109,9%
Лаҳзали ликвидлилик меъёри (мин. талаб 25%)	-	40,1%	30,9%	47,8%	67,4%

Таҳлиллиар шуни кўрсатадики, мамлакатимиз тижорат банкларининг умумий ликвидлилик кўрсаткичлари миллий ва халқаро талабларда белгиланган меъёрларни бажариш учун етарли ҳисобланади. Бироқ, мамлакатимиз банк тизимининг жалб қилинган депозитлари ва ажратилган кредит маблағлари ўртасида кескин тафовутнинг мавжудлиги, банк капиталининг мамлакат ЯИМга нисбатан паст эканлиги, давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг мажбуриятлари таркибида депозит маблағларининг жуда паст даражада эканлиги банкларда ликвидлилик муаммосини юзага келтирмоқда.

Таққослаш учун мамлакатимиз банк тизимининг айрим таққослама кўрсаткичларини 2019-2020 йиллар учун таҳлилин кўриб ўтамыз.

**2-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг таққослама кўрсаткичлари[9]**

Кўрсаткич номи	01.01.2020 й.			01.01.2021 й.		
	Жами	шундан:		Жами	шундан:	
		Давлат улуши	Бошқа банклар		Давлат улуши	Бошқа банклар

		мавжуд банклар			мавжуд банклар	
<i>Активларнинг мажбуриятларга нисбати</i>	123%	124%	119%	119,0%	118,7%	120,3%
Активлар	272 727	230 126	42 600	366 121	310 730	55 392
Мажбуриятлар	221 696	185 859	35 837	307 770	261 734	46 036
<i>Кредит қўйилмаларининг депозитларга нисбати</i>	232%	284%	99%	241,4%	296,5%	100,6%
Кредитлар	211 581	186 630	24 950	276 975	244 484	32 491
Депозитлар	91 009	65 740	25 269	114 747	82 461	32 286

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2019-2020 йилларда мамлакатимиз банк тизимидаги кўрсаткичларни ўсиш динамикасига эга бўлаётганлигини кўришимиз мумкин. Лекин айрим кўрсаткичларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, банкларимизда айрим номувофиқликлар мавжудлиги намоён бўлмоқда. Жумладан, банк кредитлари ва депозитлари ўртасидаги нисбатнинг кескин фарқ қилишини ижобий ҳолат деб бўлмайди. Таҳлил маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йилда кредит қўйилмаларининг депозитларга нисбати 232 % ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 241,4 %га ошган. Бироқ, мазкур кўрсаткичлар давлат улуши мавжуд банкларда жуда ҳам юқори эканлиги, ушбу банкларнинг ликвидлилик даражасига салбий таъсирни юзага келтиради.

Халқаро амалиётда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи бир қатор кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин[10]:

- активлар сифати;
- ресурс базаси сифати;
- банк хизматлари ва маҳсулотлари сифати;
- банк фаолияти рентабеллиги;
- рискларни бошқариш тизими;
- банк менежменти сифати.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлик  
кўрсаткичлари[9]

Кўрсаткичлари	01.01. 2017 й.	01.01. 2018 й.	01.01. 2019 й.	01.01. 2020 й.	01.01. 2021 й.
Жами капитал	8 981,3	20 676	26 679	51 031	58 351
Капитал монандлиги кўрсаткичи (фоизда)	14,7%	18,8%	15,6%	23,5%	18,4%
Соф фойда	1 153	1 881	3 200	4 149	5 642
Активлар даромадлиги (фоизда)	2,00%	1,9%	2,0%	2,2%	2,2%
Капитал даромадлиги (фоизда)	17,9%	17,1%	16,2%	16,7%	10,3%

3-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакатимиз тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи бир қатор кўрсаткичларда ижобий тенденциялар кузатилган. Жумладан, мамлакатимиз тижорат банкларининг капитали ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, унинг етарлилик кўрсаткичи миллий ва халқаро талабларни тўлиқ бажариб келмоқда. Мамлакатимиз банк тизими капиталлашув даражаси барқарор ўсиш тенденциясини намоён қилсада, унинг таркибида қўшилган капитал, қўшимча капиталнинг салмоғи жуда ҳам пастлигича қолмоқда. 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакатимиз банк тизимининг қўшимча капитали жами капиталга нисбатан 0,7 фоизни ташкил этмоқда. Бу ҳолат мамлакатимиз тижорат банклари қимматли қоғозларининг жозибадорлигини паст эканлигини, шунингдек, ушбу қимматли қоғозлар ханузгача фонд бозорида олди-сотди объекти сифатида ишлатилмаётганлигини кўрсатади.

Таҳлил қилинаётган даврда мамлакатимиз тижорат банкларининг рентабеллик кўрсаткичларини ҳам ижобий баҳолаб бўлмайди. Масалан, банк тизими активларининг даромадлилик даражаси сўнгги икки йилда деярли ўзгаришсиз қолмоқда. Банк капиталининг рентабеллиги эса сўнгги беш йилда 7,6 фоизга пасайганлиги банкларимиз молиявий барқарорлигига жиддий путур етказиши мумкин. Бу ҳолат ўз навбатида, банкнинг инвестицион жозибадорлигини пасайишига ва банкларимизнинг эмитент сифатидаги имиджига салбий таъсирини кўрсатади.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг мамлакат иқтисодиётидаги улуши[9]

Кўрсаткичлар номи	01.01.2017 й.	01.01.2018 й.	01.01.2019 й.	01.01.2020 й.	01.01.2021 й.
ЯИМ	199 325,1	249 136,4	407 514,5	511 838,1	580 203,2
Банк активлари, жами	84 075,0	166 631,8	214 420	272 727	366 121
Активларнинг ЯИМга нисбати, фоизда	42,2	66,9	52,6	53,3	63,1
Кредит қўйилмалари, жами	52 610,5	110 572,1	133 751	211 581	276 975
Кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати, фоизда	26,4	44,4	32,8	41,3	47,7
Жалб қилинган жами депозитлар	37 183,2	59 578,7	70 001	91 009	114 747
Депозитларнинг ЯИМга нисбати, фоизда	18,7%	23,9%	17,2	17,8	19,8
Жами капитал	8 981,3	20 676,1	26 679	51 031	58 162
Жами капиталнинг ЯИМга нисбати, фоизда	4,5%	8,3%	6,5	10,0	10,0

Мамлақатимиз тижорат банкларининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрнини таҳлил қиладиган бўлсак, банкларимизнинг бир қатор кўрсаткичларини ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, банк активларининг ЯИМга нисбатан ўсишини ижобий деб баҳолашимиз мумкин. Банк тизими активларининг юқори ўсиш суръати 2017 йилга тўғри келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида, 2017 йил сентябрь ойида мамлақатимизда валюта сиёсатини либераллаштириш мақсадида амалга оширилган ислохотларни келтиришимиз мумкин. Айнан шу даврда мамлақатимизда АҚШ долларининг миллий валютага нисбатан деярли икки баробар девальвацияга учраши банкларнинг хорижий валюталардаги активлари миқдорини кескин ошишига сабаб бўлди. Бу ҳолат мамлакат банк тизими активларининг ЯИМга нисбатан улушини ортишига сабаб бўлган бўлсада, мамлақатимиз банклари активларининг хорижий валюталардаги қийматини кескин пасайишига олиб келади. Натижада, мамлақатимиз банкларининг халқаро рейтинглардаги ўрнини сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлмоқда.

### Хулоса ва таклифлар

Банк тизими барқарорлиги тушунчаси банклар пайдо бўлганидан буён давлат, жамият ва банк хизматлари исёмоғчилари учун муҳим омил



сифатида доимий эътибор марказида бўлиб келган. Мамлакат миқёсида ушбу омилни мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашдаги ўрни, янги иш ўринларини яратиш, давлат ғазнасида катта миқдорда солиқ тўловчи субъект сифатида барқарор ишлаши муҳим ҳисобланса, жамият учун хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор фаолият юритиши, аҳолининг юқори даражада турмуш кечириши, молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларни қондиришдаги улкан молиявий муассаса сифатида ўз аҳамиятига эга. Банк хизматлари фойдаланувчилар учун банк тизими барқарорлиги юқори даражадаги хизматлар сифати ва хизматлар хилма-хиллиги, ўзаро ишонч, банк тизимининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятининг мустаҳкамлиги каби омилларда намоён бўлади.

Умуман олганда, малакатимиз банк тизими ўз ривожланишида янги босқичга кўтарилмоқда. Мамлакат банк тизimini трансформация қилиш, банк хизматларини рақамлаштириш, банкларимизнинг халқаро молиявий бозорлардан узоқ муддатли ва барқарор ресурс жалб қилиш имкониятини янада ошириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини янада ошириш, унинг халқаро даражада рақобатбардошлигига эришиш, банкларнинг ресурс салоҳияти ва молиявий барқарорлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг узоқ муддатли депозитлари ва узоқ муддатли кредитлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш. Таҳлил қилинган даврда мамлакатимизда давлат улуши мавжуд тижорат банкларида банк кредитларининг банк депозитларига нисбати 2020 йил якунида 296,5 фоизни ташкил қилмоқда. Бу ҳолат банкларимизда ликвидлилик билан боғлиқ муаммоларни юзага келишига, шунингдек, давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши мамлакатда банклараро рақобатни ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

2. Мамлакатимиз тижорат банкларининг депозитлари, активлари, кредит қўйилмалари ва капиталини мамлакат ЯИМга нисбатан барқарор ўсишини таъминлаш лозим. Таҳлил қилинган даврда ушбу кўрсаткичларнинг сўнгги беш йилда барқарор динамик ўсиши кузатилган бўлсада, айрим йилларда унинг пасайиш тенденциясига ҳам эга эканлигини кўришимиз мумкин.

3. Тижорат банкларининг бозор тамойиллари асосида ишлашлари учун кенг имконият яратиб бериш лозим. Бунда тижорат банкларининг турли хил дарстуларни молиялаштиришда иштирокларини камайтириш зарур деб ҳисоблаймиз. Давлат дастурларини молиялаштириш ва турли хил имтиёзларни тақдим этувчи алоҳида банклар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

4. Давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг рентабеллик даражасини ошириш ва уларни трансформация қилиш жараёнларини жадаллаштириш лозим. Марказий банкнинг статистик маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг аксариятида, айниқса йирик тижорат банкларида рентабеллик паст даражада эканлигини кўришимиз

мумкин. 2020 йил якунларига кўра банк активларининг рентабеллиги Саноатқурилишбанк(2,4%), Халқбанки (2,3%),Ипотекабанк (2,0%), Қишлоққурилишбанк(2,0%), Миллийбанк(1,6%), Микрокредитбанк(1,5%), Агробанк(1,1%), Асакабанк (1,1%) каби банкларда сезиларли даражада паст эканлигини кўриш мумкин. Аксинча, Мадад Инвест банк (10,4%), Трастбанк(9,3%), Даврбанк(8,1%), Ипак йўли банк(5,1%), Зираатбанк(5,0%),Хамкорбанк(4,5%) каби хусусий ва хорижий капитал иштирокидаги банкларда бу кўрсаткич анчагина юқори. Бу ҳолат давлат улуши мавжуд тижорат банкларида босқичма-босқич давлат улушини камайтириш орқали уларнинг фаолияти самарадорлигини янада оширишни тақозо этади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Саттаров О.Б. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. –67 б.;
2. Каримов Р. М. Денежно-кредитная политика и банковский надзор : Учеб. пособие / Каримов Р. М. - Ижевск: Изд-во Ин-та экономики и упр. УдГУ, 1999. - 270 с.
3. Stella P. Central Bank financial strength, constrains and inflation // Washington DC, 2014.
4. Корнаухова, А. П. Финансовая устойчивость банков как фактор инвестиционной стратегии : автореф. дис. ... канд. экон. наук : 08.00.10. – Самара, 2007. – С. 9-10.
5. Овчинникова, О. П., Бец, А. Ю. Динамическая устойчивость банковской системы : основные проблемы и модель развития : монография. – Орел : Изд-во ОРАГС, 2007. – С. 25
6. Копан Т, Миноу К. Устойчивость кредитования // Финансы и развитие. – 2013. - №3.
7. Imf.org.-Халқаро валюта фонди маълумотлари
8. Global Banking Annual Review 2020: A test of resilience
9. cbu.uz.- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари
10. Лаврушин, О.И., Мамонова И.Д. Оценка финансовой устойчивости кредитной организации / Лаврушин О.И. – М.: КНОРУС, 2011
11. Ibrahimovich J. I. Improvement of central bank's monetary policy //SAARJ Journal on Banking & Insurance Research. – 2021. – Т. 10. – №. 5. – С. 26-33.
12. Kurbanov Rufat Bakhtiyarovich, Bakhodirova Kamola Ismatulla Kizi IMPROVEMENT OF ACCOUNTING AND AUDIT OF TRANSACTIONS WITH FOREIGN CURRENCY IN COMMERCIAL BANKS // ORIENSS. 2021. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/improvement-of-accounting-and-audit-of-transactions-with-foreign-currency-in-commercial-banks>
13. Kurbonov, R. PhD (2021) "ANALYSIS OF EFFICIENCY INDICATORS OF PRIVATE BANKS ACTIVITY," *International Finance and*

Accounting: Vol. 2021: Iss. 1, Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss1/11>

14. 14. Rakhimov, Akmal (2021) "ISSUES OF INCREASING CUSTOMERS SATISFACTION GRADE WITH BANKING SERVICES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2021: Iss. 2, Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss2/15>

15. 15. Rahimov, A. (2019) "PRACTICAL AND THEORETICAL ASPECTS OF DEPOSIT OPERATIONS OF COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019: Iss. 2, Article 21. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss2/21>

16. 16. Ibrohimovich, J. I. “Deposit Base of Commercial Banks of Uzbekistan: Modern Status and Ways to Strengthen”. *Indonesian Journal of Law and Economics Review*, Vol. 3, May 2019, doi:10.21070/ijler.2019.V3.35.

17. 17. A. M. Rakhimov Important of bank deposit policy in expanding of the deposit base of commercial banks // *Экономика и бизнес: теория и практика*. 2019. №5-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/important-of-bank-deposit-policy-in-expanding-of-the-deposit-base-of-commercial-banks>

18. 18. Жураев И.И. Повышение роли депозитов в банковской ресурсной базе // *Экономика и бизнес: теория и практика*. 2018. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/povyshenie-rol-i-depozitov-v-bankovskoy-resursnoy-baze>

19. Omonov, A. and Rakhimov, S. (2018) "THE ISSUES OF FORMATION AND DEVELOPING OF DEPOSIT POLICY OF COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 5 , Article 2. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss5/2>

20. Омонов А.А. “Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари” Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент – 2008 й. 8 б.

21. Umarov, Z. (2018) "OBJECTIVES OF THE PROVISION OF FINANCIAL STABILITY OF COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 2 , Article 133